

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ БОЛАЛАРДА АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Юлдашов И. Р.,

Солибаева Н. О.

Тошкент давлат тиббиёт университети

Аннотация

Мазкур мақолада Наманган вилоятининг турли иқлим ва географик худудларида яшовчи болаларда аллергия касалликларнинг тарқалиш хусусиятлари баён қилинган.

Калит сўзлар: аллергия, астма, болалар, дерматит, ринит, эпидемиология.

Долзарблиги

Аҳолининг саломатлиги атроф-муҳит, ижтимоий-иқтисодий, турмуш тарзи каби омилларнинг бирлашган кўп омилли таъсири остида шаклланади, бунда ЖССТнинг баҳосига кўра атроф-муҳит омилларининг ҳиссаси 20-25%ни ташкил этади, бу эса экологияга боғлиқ касалликларнинг кенг тарқалиши ва ўсишига олиб келади. Сўнгги йилларда дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, БА касаллиги иқлим ва географик кўрсаткичларга, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ яшаш жойларига боғлиқ равишда мамлакатлар ва бир мамлакатнинг алоҳида худудлари ўртасида сезиларли даражада фарқ қилади.

Ишнинг мақсади. Наманган вилоятининг турли иқлим-географик зоналарида яшовчи болаларда бронхиал астма бошқа аллергия касалликларнинг тарқалиши даражасини шаҳар ва қишлоқларнинг яшаш муҳитига боғлиқ равишда аниқлаш, ҳамда уларга қарши курашиш бўйича бирламчи профилактика чора-тадбирларини оптималлаштириш.



Материаллар ва услублар. Илк бор ISAAC стандартлаштирилган эпидемиологик тадқиқот протоколи асосида болаларда (7-8 ва 13-14 ёш) аллергия касалликларнинг тарқалиш даражаси жинс ва ёш ҳамда яшаш жойининг иқлимий хусусиятларини (тоғли жойлар ва текислик) ҳисобга олган ҳолда ўрганилди, бу эса олинган маълумотларни бошқа мамлакатларда ўтказилган шунга ўхшаш тадқиқотлар натижалари билан солиштириш имконини берди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Қишлоқ жойларда денгиз сатҳидан баландликнинг ошиши билан ўсмир болаларда бронхиал астма билан касалланиш даражасининг камайиши, энг юқори касалланиш даражаси эса тоғ этаклари жойларида (адирларда) кузатилади;

Наманган вилоятида аҳоли яшаш жойининг географик ва иқлимий хусусиятларига кўра, аҳоли бронхиал астма билан касалланишнинг кенг қамровли эпидемиологик таҳлили асосида ўсмир болаларда денгиз сатҳидан баландликнинг ошиши билан бронхиал астма билан касалланиш даражасининг камайиши, касалланишнинг энг юқори даражаси – текислик (адир) жойларда, энг кам даражаси эса - тоғли ҳудудларда қайд этилиши аниқланди.

Хулосалар. Халқаро «ISAAC» дастури асосида ўтказилган сўровнома яқунлари саволноманинг самарали ва ўзига хослигини кўрсатиб, атопик дерматит, аллергия ринит ва бронхиал астма касалликларига чалинган болаларни эрта ташхислаш ва диспансер ҳисобига қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек хулосалар, ушбу текширув усулини таълим муассасаларида болаларни сўровнома ўтказиш йўли билан скрининг текширув дастурига қўшиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Шу тариқа, «ISAAC» сўровномаси ёрдамида ўтказилган эпидемиологик текширувлар натижасида олинган касалланиш кўрсаткичлари Наманган вилоятининг мактаб ўқувчилари орасида аллергия касалликларнинг белгилари кенг тарқалганлигини ва бу кўрсаткичлар фақатгина касалликнинг оғир кўринишларини қайд этган ҳолда, энгил шакллари ташхисот қилинмай қолиб кетиб, уларнинг

оғирлашувига замин яратадиган расмий статистик кўрсаткичлардан юқори эканлигини кўрсатди.

Наманган вилоятида кузатилган аллергия касалликларнинг ўсишини фақатгина ирсий ва атроф – муҳит омиллари билан изоҳлаб бўлмайди. Сўнгги вақтларда вилоятда саломатликка таъсир этувчи омилларнинг кўпгина жиҳатлари, шу жумладан аҳоли турмуш ва овқатланиш тарзида ўзгаришлар кузатилмоқда: озиқ-овқатларнинг назоратсиз тарзда кимёвий унсурлар билан тайёрланиши, аҳолининг шифокор назоратсиз ўзбошимчалик билан кенг таъсир этувчи антибиотикларни қўллаши, шаҳар ва қишлоқлар атроф-муҳитининг сони кўпайиб бораётган автотранспорт воситаларининг чиқиндилари билан ифлосланиши тобора кучайиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, вентиляция, иситиш тизими, кондиционер ва бошқа қулайликлар билан жиҳозланган замонавий уйлар чанг каналари ва замбуруғлар кўпайиши учун идеал шароит ҳисобланади.

Шу тариқа, болалар “кўча аллергиялари”дан қочиб, маиший аллергиялар билан мулоқотда бўлишмоқда.

«ISAAC» сўровномаси ёрдамида ўтказилган эпидемиологик текширувлар натижасини умумлаштириб, хулоса қиладиган бўлсак, мазкур мавзунинг Наманган вилоятида долзарблиги ва соғлиқни сақлаш тизимининг ташхисот усуллари яхшилаш ва самарадорлигини оширган ҳолда ушбу соҳага диққат-эътиборини янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.